



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 19 октябрь, № 217 (7447)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СУРХОНДАРЁ — БУЮК МУТАФАККИРЛАР БЕШИГИ, УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ВОҲАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 17-18 октябрь кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди.



Ташрифнинг иккинчи кунини Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти ва туманлар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари, турли соҳа ва тармоқлар мутасаддилари, фаоллар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ҳолатга танқидий баҳо берди.

— Сиёсатимизнинг мазмуни, мақсади оддий: меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан. Давлат шу меҳнатга, эмин-эркин ишлашга шариоит яратиб бериши шарт. Шу мақсадда қарорлар қабул қилинапти, йўналишлар белгилаб берилляпти. Лекин қуйи тизимда уларни бажарадиган савияли раҳбар кам. Ҳоким тайёрлаш мактабини яратдикми, деган саволга ижобий жавоб йўқ. Соҳа ва тармоқларнинг ҳудудий раҳбарлари «қотиб қолган», — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари ўсиш суръатлари вилоятнинг ҳақиқий салоҳияти учун ҳали етарли эмаслигини таъкидлади.

— Жорий йилда вилоятга учинчи бор ташрифт буюришимизнинг сабаби Сурхондарё мисолида барча раҳбарларга ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини

ҳисобга олиб, уларни жадал ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва ўсиш нуқталарини аниқлаш ҳамда тўлиқ ишга солишни кўрсатиб беришдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳар бир вазир, соҳа ҳамда тармоқлар раҳбарларига йил якунигача ва келаси йилда Сурхондарё учун нималар қилишини аниқ ёзиб, вилоят ҳокимлигига тақдимот қилиш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз Сурхондарё вилояти иқтисодиётининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиб, уни ривожлантириш бўйича муҳим йўналишларни белгилаб берди.

Авал режалаштирилган лойиҳаларни бажариш билан бирга, келаси йилда ишлайдиган бирорта корхона йўқлиги танқид қилиниб, «Ўзчармасаноат» уюшмаси, Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги, вилоят ҳокимлигига замонавий чарм-полигаз корхоналари ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон — буюк алломалар юрти. Муқаддас заманимиз азалдан инсоният тамаддуни, айниқса,

бўйича визасиз кириш, экспорт-импорт ва транзит юклари учун божхона, карантин ва бошқа хизматларни «Ягона дарча» таъминоти асосида амалга ошириш мумкин бўлади.

Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация қилишни давом эттириш, 2020 йилда Ангор, Қизилқум, Музработ, Термиз ва Шеробод туманларида 40 минг гектарга ингичка толаги ғўза навларини жойлаштириш зарурлиги қайд этилди. Ер майдонларидан келиб чиқиб, кластерлар томонидан йирик чорвачилик комплекслари ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Вилоятда бир йилда тайёрланадиган 870 минг донадан ортиқ терини қайта ишлайдиган бирорта корхона йўқлиги танқид қилиниб, «Ўзчармасаноат» уюшмаси, Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги, вилоят ҳокимлигига замонавий чарм-полигаз корхоналари ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон — буюк алломалар юрти. Муқаддас заманимиз азалдан инсоният тамаддуни, айниқса,

ислом дини ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган улуг мутафаккирларга бешик бўлган. Хусусан, IX — XII асрларда юртимиздан кўплаб олимлар, муҳаддислар етишиб чиққан. Ана шундай буюк алломалардан бири Абу Исо Муҳаммад Термизийдир.

Абу Исо Муҳаммад Термизий (Имом Термизий) ҳозирги Шеробод туманида милодий 824 йилда дунёга келиб, 892 йилда вафот этган.

Абу Исо Термизий ўндан ортиқ асарлар яратган. Улар орасида энг машҳури «Сунани Термизий» («Саҳиҳи Термизий») китобидир. Бу бошқа ҳадислар тўпламлари орасида тартиб энг ихчам асардир.

IX аср ҳадис илмининг олтин даври саналади. Бу даврда юзлаб муҳаддислар орасида энг юқори мартабага эришган олти улуг имом машҳур ҳадис китобларини ёзган. Бу асарлар Куръони Каримдан кейинги энг ишончли манбалардир. Мазкур «кутуби ситта», яъни энг саҳиҳ (энг тўри, ҳаққоний) олти ҳадис китобининг икки мусаннифи бизнинг буюк аждодларимиз Имом Бухорий ва Имом Термизийдир.

Шу пайтгача Имом

Термизийнинг ҳаёти деярли ўрганилмаган. Кейинги йилларда миллий-диний кадрларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, алломаларимиз меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялашга қаратилаётган юксак эътибор тўғрисида муҳим бобомиз мероси ҳам қадр топди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан икки йил аввал Шеробод туманидаги ул зот мангу кўним топанг зиёратгоҳида улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада зиёратчиларга барча шариоит яратилган муҳташам мажмуа барпо этилди.

Президентимизнинг 2017 йил 14 февралдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қарор асосида Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази қад ростлади. Марказда ислом динининг, Куръони Карим ва ҳадис илмининг асл моҳияти, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асослари, Имом Термизий ва термизий алломалар, юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир зотлар мероси чуқур ўрганилади, ёзма манбалари тизимли асосда тадқиқ этилади. Улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланишга қаратилган дарслик ва ўқув қўлланмалари, оммабоп нашрлар, илмий-амалий тавсиялар тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари марказга ташриф буюриб, бу ерда яратилган шариоитлар билан танишди. Буюк муҳаддис Имом Термизий ҳаёти ва асарларини чуқур ўрганиш, ёш авлодга етказиш, халқимизга тушунарли тилда китоблар чоп этиш бўйича тавсиялар берди. Бу ерда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муносиб шариоит яратиб, олимларнинг халқаро илмий конференцияларда иштирокини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ушбу марказда тадқиқотчиларга барча шариоит яратилган. Марказ ёнида Ҳаким ат-Термизий номидаги жоме масжиди барпо этилган.

Юртимизда «Жаҳолатга қарши — маърифат» шиори асосида амалга оширилаётган эзгу ишларга ҳамроҳанг қад ростлаган марказ алломаларимиз меросини илмий назардан ўрганишда муҳим қадам бўлди.

Марказга ёш тадқиқотчилар, салоҳиятли олимларни жалб қилиш, термизийларнинг дунё бўйлаб тарқаб кетган асарлари нусхаларини олиб келиб, тадқиқ этиш муассасанинг муҳим вазифаси бўлиши кераклиги таъкидланди.

Шу ерда Султон Саодат мажмуасини реконструкция қилиш, унинг ҳудудида масжид, автомобиллар тураржойи ва мажмуага келаваришдаги йўл бўйида намунавий уйлар барпо этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Президентимиз Термиз шаҳридаги пиллани қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Сурхон ипаги» корхонасида бўлди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда пиллачилик ривожланмоқда. Ипак куртидан тўрт, баъзи ҳудудларда беш мартагача ҳосил йиғиш йўлга қўйилди. Ипакдан қимматбаҳо мато, гилам ва бошқа жиҳозлар ишлаб чиқарувчи кўплаб корхоналар ташкил этилмоқда, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳисобига тармоқда экспорт ҳажми ортмоқда.

Сурхондарё вилояти ана шундай ҳудудлардан бири. Бир йил илгари Президент Термиз туманида бўлиб, пилла уручилиги кластери билан танишган эди. Бугун вилоятда ана шундай кластерлар иккита, йил охиригача яна учтаси ишга туширилади. Натижада пиллани замонавий, инновацион усулда етиштириш миқдори ошади, иш ўринлари кўпаяди.

Президент «Сурхон ипаги» корхонаси имкониятлари билан танишиш чоғида ипакчилик туризмини тарғиб қилувчи бундай жойларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Корхонага пиллани қайта ишлаш, хом ашёни йиғириш, ипак момиги ишлаб чиқариш учун замонавий технологиялар Хитойдан келтирилган, сифат назоратини олиб бориш, ипакдан жуҳон андозасига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга қўмақлаш ш мақсадида хориждан мутахассислар жалб этилган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



Қонунчилик палатаси: Қонун лойиҳасига эътироз билдирилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилиш аввалида депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида судлар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларида самарали фойдаланишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини мажлис кун тартибидан чиқариш масаласини муҳокама қилдилар.

Лойиҳада процессуал кодексларга суд мажлисларини тарофларнинг фикрини инобатга олган ҳолда раислик этувчининг рухсати билан ёки унинг ташаббусига кўра, процессуал қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган, одил судлов манфатлари ҳамда суд мажлиси иштирокчиларининг ҳавфсизлигини таъминлаган ҳолда трансляция қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш назарда тутилган. Шунингдек, махфий ахборотлар ошкор этилишининг олди олиниши белгиланган. Таклиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчаларнинг киритилиши суд мажлисларини реал вақт режимида эркин кузатиш имконини беради. Яъни лойиҳа билан фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ва жиноят ишлари бўйича суд мажлисларини эндиликда радио, телевидение ва интернет орқали тўғридан-тўғри онлайн трансляция қилиш назарда тутилмоқда.

Аммо лойиҳа парламент қўйи палатасига келиб тушган кундан ўтказилган муҳокамалар, фракциялардаги мунозаралар чоғида кўплаб депутатлар эътирозларига сабаб бўлди. Хусусан, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг қонун кеча бўлиб ўтган йиғилишида мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш бир овоздан рад этилди. Шунингдек, бошқа фракцияларда ҳам лойиҳада белгиланган тартибларга нисбатан жиддий саволлар ва эътирозлар билдирилди.

— Шунга қарамай, бугун мазкур масала яна ялпи мажлис кун тартибига киритилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси Акмал Умрзоқов. — Табиий савол туғилади, нега фракция аъзолари бўлган депутатлар ушбу қонун лойиҳасига қатъий қарши чиқмоқда? Суд мажлисида кўриладиган икки тараф ўртасидаги турли муаммоларни телевидение ёки ижтимоий тармоқларда тўғридан-тўғри намойиш этиш одамларимиз, айниқса, ёшларимизга қай даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўз олдимизга келтирсак, масала нақадар жиддийлиги янаям аниқроқ намоён бўлади.

Қолаверса, «айбисизлик презумпцияси»га кўра, шахс қонуний кучга кирган суд ҳукми чиқмагунча қадар айбисиз ҳисобланади. Қонун лойиҳаси ташаббускорлари эса ҳали айбдор деб топилган шахс ҳақида жамоатчиликка муайян шахснинг айбдор ёки жиноятчи сифатида танилишига олиб келувчи нормани тақлиф этмоқда.

Шу йилнинг 13 — 17 октябрь кунлари парламент аъзоларидан иборат Ўзбекистон делегацияси Сербия пойтахти Белград шаҳрида бўлиб ўтган Парламентларо Иттифок Ассамблеясининг 141-сессиясида қатнашди. Сессияда 149 мамлакатдан 700 дан зиёд парламент аъзолари иштирок этди.

Эътироф

Маълумот учун: 1889 йилда тузилган Парламентларо Иттифок турли давлатларнинг миллий парламент гуруҳларини бирлаштирувчи халқаро ташкилотлардан бири ҳисобланади.

Парламентлар ўртасидаги алоқаларни рағбатлантириш ва халқаро тинчлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишида биргаликда фаолият кўрсатиш учун уларни бирлаштириш мазкур ташкилотнинг асосий вазифасидир. Айни пайтда Парламентларо Иттифокқа 178 давлат парламенти аъзо ҳисобланади. 2017 йил 13 октябрдан Ўзбекистон Республикаси мазкур ташкилотдаги аъзолигини қайта тиклади. Парламентларо Иттифок БМТ билан тиким ҳамкорлик қилади ва унинг мақсадлари ҳамда вазифаларини қўллаб-қувватлаб келади. Унга БМТнинг Бош Ассамблеяси

Анжуман

ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ЯНА БИР САМАРАЛИ ЙЎЛИ

Пойтахтимизда «English Law Day in Tashkent» («Тошкентда инглиз ҳуқуқи кунини») халқаро анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Англия ва Уэльс юристлар жамияти ҳамда Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда юртимиз адлия, суд, прокуратура органлари вакиллари, шунингдек, хорижнинг бир қатор юридик ва консалтинг фирмалари ҳуқуқшунослари, адвокатлари, соҳа олимлари ва экспертлари қатнашди.

Ҳўш, Ўзбекистонда инглиз ҳуқуқини жорий этишнинг долзарб жиҳатлари нималардан иборат? Нега айнан инглиз ҳуқуқини татбиқ этиш борасида Буюк Британия ва бошқа хориж давлатлари тажрибаси ўрганилмоқда?

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун

Тарихимсан, тақдиримсан, келажакимсан, она тилим!

Ғурурсиз миллат ўз қиёфасини йўқотади, аксинча, миллий ифтихор юксак юртда халқ тинч ва ҳамжиҳат яшайди. Ҳали тоталитар тузум ҳукмрон бўлиб турган мураккаб бир шароитда — 1989 йилнинг 21 октябрида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг миллий ғурурини тиклади, жаҳондаги мавқеини мустаҳкамлади.

Президентимизнинг шу йил 4 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори билан тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган кенг қўламли ишларни янги босқичга кўтарди.



3

4-саҳифага қаранг

2

МАҚСАДИМИЗ — етук мутахассисларни камолга етказиш

Мамлакатимиз тараққийнинг янги даврида ҳар бир соҳани замон талаблари асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, тиббий таълим тизимида кадрлар тайёрлашда халқаро илғор тажрибалар, инновацион технологиялар таянилади.

Карор ва ижро

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида тиббий олий таълим муассасаларида бакалаврият таълим йўналишлари мuddати 7 йилдан 6 йилгача қисқартрилди. Шундан "Тиббий профилактика" йўналишида таълим 5 йил қилиб белгиланди.

алоқа студиялари орқали хорижий давлатлар университетлари, шунингдек, академиямиз филиаллари билан бевосита масофавий таълим йўлига қўйилди. Бир ўқув йилида академиянинг таълим факультети профессор-ўқитувчилари томонидан Термиз, Урганч, Фарғона филиаллари талабалари учун фанлар бўйича 150 дан ортиқ онлайн маърузалар ўқилади.

Давлатимиз раҳбари академиклар, илм-фан ва таълим соҳаси мутахассислари билан ҳар учрашганда соҳани давр талабларидан келиб чиқиб янги босқичга кўтариш, унга инновацион янгиликларни изчиладиган таълим тизимини таъминлаш, халқаро ҳамкорликни янада кўнгилга олиш борасида зарур кўрсатма ва топшириқлар беради.

Таълим даргоҳимизда Симуляцион ўқитиш марказининг очилиши талабаларни фойдаланишга қўлай қилиб қўлади. Бу ерда уларнинг назарий билимларини амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаб, таълимларини оширишига кенг қўлайлик яратилган.

Корея Республикаси Корё университети билан "Атроф муҳит гигиенаси" илмий-амалий лабораторияси, Корея соғлиқни сақлаш санаяти ривожлантириш институти билан ҳамкорликда Халқ таълим ва маданият вазирлиги қўлидаги Биринчи Москва давлат тиббий университети билан биргаликда Олий таълим муассасаларида Олий таълим фаолият бошлади.

Президентимиз ташаббусига кўра, юртимизда халқ билан мулоқот қилишнинг янги механизми жорий этилган. Академиямиз профессор-ўқитувчилари ҳамда олимларимиз жойларда оддий одамлар билан учрашиб, улар-

лотчилар томонидан 21, 10 ва 2 километр масофага югуриш учун майдон ажратилган. Хайрия ташаббусидан тушган маблағлар Тошкент шаҳридаги театрлардан бирида тажриба лойиҳасини амалга ошириш учун сарфланади.

Халқ сўзи.

Самарқандда I халқаро хайрия марафони ўтказилади

1 — 3 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида "Samarkand Half Marathon" I халқаро хайрия марафони бўлиб ўтади.

Ушбу лойиҳанинг мақсади маданият ва санъат объектларидаги инклюзивлик муаммосига жамоатчилик эътиборини жалб қилиш, шунингдек, юртимизда соғлом турмуш тарзи ва спорт туризмининг ривожлантиришдан иборатдир.

Туризм

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИШСIZ ФУҚАРОЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазириликнинг «Ўзбекистонда касб-хунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил этилган ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш марказига ўқувчилар қабул қилинади.

Марказда ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш (қайта тайёрлаш) куйидаги асосий йўналишлар бўйича бепул амалга оширилади — **автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш** (автомобиллар, моторчилар, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар), **машинасозлик ишлаб чиқариш технологияси** (токалар, фрезерчилар, пайвандчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари), **электротехника, электроника ва автоматлаштириш** (электрон техника, радио ва телеаппаратураларни таъмирлайдиган мутахассислар), **ахборот технологиялари** (хисоблаш машиналари операторлари, компьютер ва бошқа турдаги ортехникага хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш бўйича мутахассислар).

Марказда касб-хунарга ўқитиш мuddати — 8 ой, шундан Марказда ўқиш — 6 ой, корхоналарда ишлаб чиқариш амалиёти — 2 ой.

Касб-хунарга ўқитиш марказига ҳужжатлар, ўқиш истагини билдирганларнинг ихтиёрий танловига мувофиқ, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказининг йўлланмаси асосида қабул қилинади.

Тошкент шаҳридаги ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш марказининг битирувчиларига эгаллаган касби (мутахассислиги) бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги диплом берилди.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: ариза, паспорт (асли ва нусхаси), маълумотини тасдиқловчи ҳужжат (диплом ёки аттестат, асли ва нусхаси), соғлиғи тўғрисида маълумотнома (086/У форма), ишга жойлаштиришни кафолатловчи уч томонлама (иш берувчи, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази, жисмоний шахс) шартнома нусхаси, Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан берилган йўлланма, 3,5x4,5 см. ҳажмдаги 4 донга рангли фотосурат.

Ҳужжатлар 2019 йилнинг 1 ноябридан 30 ноябргача қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-8 мавзеси. Мурожаат учун тел.: 71-251-19-03, 71-251-26-91.

ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ЯНА БИР САМАРАЛИ ЙЎЛИ

Чет эллик юристлар билан тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган мазкур анжуманда ана шу каби саволларга жавоб изланди ва соҳа истиқболлари ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

Сўз — тадбир иштирокчиларига

Руслан ДАВЛЕТОВ, Ўзбекистон Республикаси адлия вазир:



— Ҳозир Қозоғистон, Хитой, Сингапур каби давлатларда инглиз хуқуқидан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилган. Айни пайтда мамлакатимизда ҳам инглиз қонунларини ўзгарувчан бизнес эҳтиёжларини қондиришга имкон берадиган мослашувчан ва амалий тизим сифатида амалиётга татбиқ этиш имкониятлари ўрганилган.

Чика МУРА, Англия ва Уэльс юристлар жамияти вакили:



— Бутун дунё мамлакатингизда руй бераётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатмоқда ва барча соҳада, жумладан, суд-хуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотларни ижобий баҳоламоқда.

моларни ижобий ҳал этишга имкон беради. Бу Ўзбекистон тараққийи учун ҳар тарафлама фойдалидир. Биз эса ушбу ҳуқуқни жорий этишда ҳамкорликка тайёрмиз.

Сергей ОСТРОВСКИЙ, Англия ва Уэльс юристлар жамиятининг халқаро қўмитаси аъзоси:



— Инглиз хуқуқи кунининг Тошкентда ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон ўзининг стратегик жойлашуви ҳамда халқаро муносабатларидаги очиклик сиёсати билан Буюк Британия хуқуқшуносларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу боси инглиз хуқуқини қўллашда ўзаро ҳамкорликда иш юритиш тарафдоримиз.

Бу эса Ўзбекистоннинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда қўл беради.

Саймон КОХ, Буюк Британиядаги «Norton Rose Fulbright» халқаро юридик фирмаси катта адвокати:



— Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш йўлида катта қадимлар ташлади. Шунинг билан, бизнес юритиш, сармоёларни жалб қилиш имкониятлари билан бир қаторда, Ўзбекистонда инглиз қонунчилигини қўллаш вақти ҳам келди. Албатта, мамлакатингиз қонунчилиги ҳамда инглиз қонунлари ўртасида фарқлар мавжуд. Аммо инглиз хуқуқи халқаро битимларда кўпроқ қўлланилади ва бу иш муносабатларида маълум даражада эркинлик ва мослашувчанлигини таъминлайди.

Ўз нутқимда халқаро сармоёларни рағбатлантирадиган ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган ҳуқуқий тизим яратиш учун инглиз қонунларининг мослашуви ва қўлланилиши ҳақида гапирдим. Форум доирасида Ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан ўзаро фикр алмашдик. Бу ҳам ҳамкорлигимизнинг ижобий тасдиғидир.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»). Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ХУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Самарқанд вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 262/2018-02-сонли шартномага асосан https://www.e-aukcion.uz электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2019 йил 5 ноябрь куни ўтказиладиган очқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Самарқанд вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Table with 8 columns: T/p, Автотранспорт русуми, И/ч йили, Давлат рақами, Лот рақами, Аризалар қабул қилиниши, Аукцион ўтказиш вақти, Автотранспорт воситасининг бoшланғич баҳоси

Автотранспорт воситалари сақланаётган манзил: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, М. Ражабов кўчаси, 22-уй.

Талабгорлар диққатига! Аукцион савдосида иштирок этиш — «E-IURO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ХУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Навоий вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 265/2018-04-сонли шартномага асосан https://www.e-aukcion.uz электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2019 йилнинг 4 ноябргача аризалар қабул қилинади, 2019 йил 6 ноябрь куни эса «Республика инкассация хизмати» ДУК Навоий вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари бўйича очқ аукцион савдоси ўтказилади:

Table with 5 columns: T/p, Автотранспорт русуми, Ишлаб чиқарилган йили, Давлат рақами, Лот рақами

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Галаба шоҳкўчаси, 220-уй.

Талабгорлар диққатига! Аукцион савдосида иштирок этиш — «E-IURO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

